O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 21 октябрь, № 219 (3494) Пайшанба

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 октябрь куни Оқсаройда НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схефферни қабул қилди***

Мамлакатимиз Президенти меҳмонни ушбу ташкилотга раҳбар бўлгани билан қутлар экан, Ўзбекистон НАТО билан ҳамкорликка муҳим аҳамият беришини таъкидлади.

— "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасидаги ҳамкорлик, айниқса, алоҳида аҳамиятга эга, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон НАТО билан муносабатларни қадрлайди ва ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори.

Мамлакатимизнинг ушбу халқаро ташкилот билан муносабатлари фақат ҳарбий соҳани ривожлантириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорлик билан чекланмайди. Фан-таълим, иқтисодиёт каби соҳалар, шунингдек, табиий офатларнинг олдини олиш бўйича НАТО мутахассислари билан маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда, тадқиқотчилар ўзаро тажриба алмашмоқда. Биргаликдаги машқлар ўтказилмоқда, альянснинг махсус ўқув курсларида Ўзбекистон Қуролли Кучларининг вакиллари малака ошириб, жанговар тайёргарлигини такомиллаштирмоқда.

Мамлакатимизда ҳарбий ислоҳотларни амалга оширишда, ўқув марказлари ташкил этишда, халқаро террорчиликка қарши курашда Ўзбекистон НАТО билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Яап де Хооп Схеффер самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Мамлакатимиз билан НАТО ҳамкорлигини ривожлантириш икки томон учун ҳам манфаатли эканлигини қайд этди.

Оқсаройдаги учрашувда ана шу масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат.**



***НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффер Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида бўлди.***

## НАТО БОШ КОТИБИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Содиқ Сафоев билан учрашувда Ўзбекистон ва НАТО ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболи музокаранинг бош мавзуи бўлди. Мулоқот чоғида, шунингдек, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни меҳмон Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашди. Ҳамкорликни янада ривожлантириш, биргаликда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва халқаро террорчиликка қарши курашишга оид масалалар муҳокама этилди.

**(ЎзА).**

Олий Мажлисда

## Ҳуқуқий таълимга эътибор



Кеча Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитасида "Таълим муассасаларида мамлакат Конституцияси ва қонунларини ўрганишнинг аҳволи" мавзуида «Давра суҳбати» бўлиб ўтди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари масъул ходимлари ҳамда олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, лицей ва мактабларнинг мутахассислари иштирок этди.

«Давра суҳбати»ни Ёшлар ишлари қўмитаси раиси Азамат Зиё очди.

Дастлаб юридик фанлари доктори Рустам Рўзиевнинг маърузаси тингланди. Таъкидланганидек, ҳозирги кунда таълим тизимида ҳуқуқ йўналиши бўйича қатор ишлар амалга оширилиб, бу борада сезиларли ютуқларга эришилган. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" махсус ўқув курсини барча таълим турларида ўқитиш ташкил қилинди. Касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларда умумтаълим фанлар сифатида "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фанини ўқитиш учун 46 соат, "Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш" фани бўйича 34 соат ажратилган. Қолаверса, 2000 йилдан 2004 йилга қадар ЎзМУ қошидаги Олий педагогика институтида ҳуқуқ фанидан дарс берувчи ўқитувчиларнинг 668 нафари малакаларини оширган.

«Давра суҳбати»да ўз мулоҳазалари билан иштирок этган фан ўқитувчилари, ҳуқуқшунослар бугунги кунда нашр этилаётган баъзи ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар, айниқса, ўқув дастурларининг сифати юқори даражада эмаслигини айтиб ўтишди. Шунингдек, улар томонидан кадрлар масаласида ҳам муаммолар борлиги таъкидланди.

Айтиш мумкинки, эришилган ютуқлар — ўзимизники. Камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, хусусан, ўқув жараёни сифатини яхшилаш давр талабидир. Ана шу масалалар очиқ мулоқот тарзида ўтган «Давра суҳбати»да мутахассислар томонидан қизғин муҳокама этилиб, муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклифлар билдирилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Қутлуғ Рамазон ойи бошланиши муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Под]оҳлиги халқи, ҳукумати ва ўз номимдан Сизга самимий табриклар йўллаш ҳамда эҳтиромларимизни изҳор этишдан ғоят мамнунман.

Ушбу муқаддас ой Сизга ва биродар Ўзбекистон халқига ҳамда барча мусулмонларга равнақ ва фаровонлик олиб келади, деб умид қиламан.

Самимий тилак ва чуқур эҳтиромларимни қабул қилгайсиз.

**АБДУЛЛОҲ ИККИНЧИ,**
**Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Илоҳий раҳмат ва неъматларга бой Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари, Ўзбекистоннинг ҳукумати ва мусулмон халқини самимий муборакбод этаман.

Ушбу муборак ойда ҳаммамиз Қодир Аллоҳнинг кенг марҳаматлари, хайру баракотларидан баҳраманд бўлгаймиз, дея умид қиламан.

Худованди каримдан Сизга муваффақиятлар ва сиҳат-саломатлик тилаб қоламан.

**Саййид Муҳаммад ҲОТАМИЙ,**
**Эрон Ислом Республикаси Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сизга ва биродар Ўзбекистон халқига қизғин табрик ва самимий тилаклар йўллаш менга мамнуният бахш этмоқда.

Ушбу қутлуғ кунларда Аллоҳ таолодан Сизга соғлиқ, бахт-саодат ва доимий муваффақиятлар, ислом умматига тинчлик, осойишталик ва бирдамлик ато этишини сўраб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

**Иажуддин АҲМАД,**
**Бангладеш Халқ Республикаси Президенти.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Жаноби Олийлари,

Улуғ Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини Афғонистон халқи ва шахсан ўз номимдан муборакбод этиб, самимий тилакларимни изҳор қиламан.

Ушбу мўътабар ойда халқларимиз ҳаёти янада қувончли ва қут-баракага тўла бўлишига умид билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, улкан зафарлар, Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва равнақ тилаб қоламан.

**Ҳамид КАРЗАЙ,**
**Афғонистон Ўтиш Ислом Давлати Раиси.**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг эзгу истакларимни мамнуният ила йўллайман.

Ушбу қутлуғ айёмда Аллоҳ таолодан Сизга мустаҳкам соғлиқ, саховатли юртингизга Сизнинг раҳбарлигингиз остида тараққиёт ва фаровонлик ҳамда ислом умматига қут-барака ато этишини сўрайман.

Биродарингиз,

**Муҳаммад бин Халифа Ал-МАКТУМ,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Дубай амирлиги ер ва кўчмас мулк департаменти раиси.**



## САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ

### ҳуқуқми ёки мажбурият?

***Сайловлар ҳақида сўз кетганда, кўпчилигимизда «Бундай сиёсий жараён қандай ташкил этиладию қандай ўтказилади, кимлар сайлаш, кимлар эса сайланиш ҳуқуқига эга?» каби саволлар қаторида «Овоз беришда иштирок этиш ихтиёрийми ёки мажбурийми? деган савол ҳам туғилиши, табиий.***

Бу масалага ҳар ким ўз давлатининг тарихий кечмиши, халқининг менталитети ва қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Баъзи мамлакатларда фуқароларнинг овоз беришдаги иштироки мажбурий этиб белгиланган бўлса, бошқа мамлакатларда ихтиёрийдир. Масалан, Австрия, Бельгия, Болгария, Бразилия, Дания, Италия, Миср, Нидерландия, Туркия, Юнонистон каби мамлакатларда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг овоз беришда иштирок этишлари шарт. Иштирок этмаган сайловчилар суд томонидан маъмурий жавобгарликка тортилади. Хусусан, Миср ва Бельгияда бу жавобгарлик қарийб бир АҚШ доллари, Туркияда эса ўн тўрт АҚШ доллари миқдорида жарима билан ўлчанади. Яқин йилларга қадар Покистонда сайловда иштирок этмаганлар бир неча ойга озодликдан маҳрум этилган.

Мамлакатимизда, жаҳоннинг аксарият демократик давлатлари қаторида, сайловчиларнинг овоз бериш эркинлиги қонун билан кафолатланган. Яъни, ҳар бир сайловчи сайловларда ихтиёрий равишда иштирок этади. Сиёсий жараёнда қатнашмаслик сайловчи учун ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди. Мазкур қоида инсон ҳуқуқлари ва сайловларга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўла мувофиқ келади. Бироқ бундан овоз бериш мажбурийлигини ўз қонунчилигида белгилаб қўйган давлатлар халқаро демократик тамойилларни, инсон ҳуқуқларини поймол этмоқда экан, деган хулоса чиқмайди. Чунки овоз бериш мажбуриятини юклашнинг ўзига хос объектив сабаблари мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

### Бу — долзарб

Биринчидан, айрим мамлакатларда фуқароларнинг ҳокимиятга нисбатан бефарқлиги боис, овоз бериш мажбуриятини белгиламай туриб, қонунчиликда сайловни ўтган деб тан олиш учун ўрнатилган миқдорда сайловчилар иштирокини таъминлаб бўлмайди. Сайловларда белгиланган миқдордаги сайловчилар иштироки таъминланмаса, сайловлар ўтмаган ҳисобланади. Сайловни такроран ўтказиш учун эса давлат бюджетидан ортиқча моддий сарф-харажатлар ажратишга тўғри келади.

Иккинчидан, овоз бериш мажбуриятининг мустаҳкамланиши сиёсий-ҳуқуқий маданиятдан йироқ фуқароларда бундай маданиятнинг шаклланишига ва уларнинг сиёсий фаоллигини кўтаришга муайян маънода хизмат қилади. Шу билан бирга, овоз бериш мажбуриятини белгилашнинг салбий жиҳатларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Зеро, ўз иродасига, хоҳиш-истагига қарши сайловларда иштирок этаётган фуқаронинг оқилона ёндашиб овоз беришига ҳеч қандай кафолат йўқ. Шунинг учун ҳам кўпчилик мамлакатлар сайловларда фуқаролар иштирокини фаоллаштириш учун мажбурловдан кўра рағбатлантириш ва эркин чоралардан фойдаланишни афзал кўришади.

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон ўз фуқароларига халқаро ҳуқуқий меъёрлар даражасида сайлов ҳуқуқини кафолатлаган. Унга кўра, овоз беришда иштирок этиш ҳар бир сайловчининг эркин иродасига боғлиқдир. Аммо шу азиз Ватанимизнинг келажаги учун ҳар биримиз, айниқса, биз, ёшлар масъул эканлигимизни ҳисобга олсак, сайловларда иштирок этиш ҳар биримизнинг маънавий бурчимиз эканлигига амин бўламиз. Шу маънода, жамият сиёсий жараёнида фаол иштирок этишимиз, албатта, мамлакат тараққиётига ҳисса бўлиб қўшилишини ёддан чиқармаслигимиз зарур.

**Раҳимжон ҲАКИМОВ,**
**Тошкент давлат юридик институти магистранти.**

## КОМИССИЯ ИШ БОШЛАДИ

***ҚАРШИ (ЎзА мухбири Аҳад МУҲАММАДИЕВ).***

Шу йилнинг декабрь ойида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга ўтажак сайловларга Қашқадарё вилоятида пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси қонунда белгиланган ваколатларини бажаришга киришди. Вилоят сайлов комиссияси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Мирза ТУРСУНОВ ЎзА мухбирига бу хусусда қуйидагиларни гапириб берди:

— Бу йилги сайловларда вилоятимиздан сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга 1,25 миллион киши иштирок этади. Улар сайловчилар сонига қараб халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 59 округга тақсимланди ва округ чегаралари белгиланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар учун овоз берадиган ҳар бир округга 120-122 минг нафар сайловчи тўғри келяпти. Вилоят Кенгашига номзод кўрсатиладиган округларда эса бу рақам 20-22 мингни ташкил этади. Ҳозирга қадар сайловда иштирок этиш учун учта сиёсий партия ҳужжат тақдим этди.

Янги парламентга сайланадиган депутатлар, эски замондаги каби, кимгадир йўл қуриб бериш ёки газ ўтказиб беришни ваъда қиладиган кишилар эмас, етарли даражада ҳуқуқий билимга эга мутахассислар бўлиши лозим. Бу маҳаллий кенгашлар депутатларига ҳам тааллуқли. Чунки улар орасидан Юқори палата, яъни Сенат аъзолари сайланади.

Ишончим комилки, бўлажак сайлов замон талаблари даражасида — очиқлик, ошкоралик ва демократик руҳда ўтади ва унда сайловчилар фаол иштирок этади.

***Бугун — ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 15 йил тўлди***

## ТИЛ ВА ТАҚЛИД

***Тил, асли, тақлиддан бошланган. Ҳаётдаги нарсаларга, ҳаракатга, товушга ва ҳоказо. Албатта, асрлар мобайнида турли тил вакиллари ўзаро ҳамкор-ҳамсоя бўлиб яшашига тўғри келган. Ўз-ўзидан аниқлашадики, ҳар хил тил эгалари бу борада ҳам бир-бирига тақлид қила бошлаган. Шунинг учун дунёда соф, яъни бошқа тиллар таъсиридан баҳраманд бўлмаган бирорта ҳам тил йўқ.***

Бугунги ўзбек тили луғат бойлигининг ўзини олганимизда ҳам маълум бўладики, биз соф ўзбекча, яъни туркий сўзлардан ташқари, форсий, арабий, мўғулча, хитойча, русча ва рус тили орқали кириб келган талай оврупоча калималарни ишлатаверамиз, ҳатто кўпчилигимиз уларнинг айнан қайси тилдан олинганини тузук-қуруқ билмаймиз ҳам. Ҳозир ҳатто восита тилни четлаб ўтиб, Ғарб тилларидан тўғридан-тўғри қанча-қанча калималар оляпмиз.

Ростини айтсак, чор ҳукумати ва шўро даврида тилимиз бевосита рус тилининг таъсирида тараққий этди. Бунинг маълум маънода ижобий ҳодиса бўлганидан кўз юмиш асло мумкин эмас. Ҳатто рус тилининг ана шу ижобий таъсирини ёритишга бағишланган бир қанча илмий тадқиқотлар ҳам ёзилган.

Ахир, рус тили — олти жаҳон тилидан бири. Тарих тақозосига кўра, ҳозирча жаҳон тиллари орасида биз яхши ва кўпроқ биладиганимиз — рус тили. Россия шундай салоҳиятга эгаки, дунёдаги ҳар қандай маънавий-маърифий, илмий-бадиий, ижтимоий-сиёсий ва ҳоказо соҳалардаги интеллектуал бойликни рус тилига таржима қилиб, чоп эта олади. Модомики, биз ҳозирча бундай катта моддий-маданий имкониятга эга эмас эканмизми, бундан буён ҳам рус тилини ўрганишимиз долзарб бўлиб қолаверади.

Ҳозир ёшларимиз ўртасида жаҳон тилларидан бўлган инглиз тилини ўрганиш кескин кучайди. Бироқ ҳали халқимиз орасида инглизчани ўрганганлар сон жиҳатидан рус тилини биладиганлардан кўп эмас.

Хуллас, бир халқ вакиллари иккинчи тилни ҳам билса, бу — катта бойлик. Бундай шароитда, албатта, тилларaро таъсир юз беради. Кимдир қайсидир масалада бошқа бир тилга тақлид қилади.

Бироқ тақлидда ҳам тақлид бор-да...

Шўро даврида, агар ўз номи билан айтадиган бўлсак, тилда мажбурий тақлид амалга оширилган. Масалан, «вазир», «муҳаррир», «кенгаш», «вилоят», «туман» каби тап-тайёр ифодалар ўрнига «министр», «редактор», «совет», «область», «район» каби сўзларни ишлатганмиз. «Девон», «ҳоким», «маҳкама» каби сўзлар-ку таг-туги билан йўқ бўлиб кетган, яъни шу сўзлар ифодалаган тушунчанинг ўзи ҳаётимиздан сиқиб чиқарилган эди.

Агар ҳозир Истиқлолдан бурунги тилимизни яхши билган бир ажнабий юртимизга келиб, газеталаримизни ўқиса, кўп нарсага тушунмай қолиши тайин. Чунки орада қанча ўзгариш, қанча миллийлашув, қанча тараққиёт юз берди-да.

Мана, ўн беш йилдирки, Ўзбекистонимизда ўзбек тили — давлат тили. Бунда икки муҳим жиҳатни унутмаслик керак.

Биринчиси. 1989 йилга қадар миллат тарихида ҳеч қачон ўзбек тили давлат тили бўлмаган. Юртимизда пайдо бўлган барча давлатларни биз ўзбек давлатчилиги таркибига киритамиз, бироқ уларнинг бирортасида ҳам тилимиз давлат тили мақомига кўтарилмаган эди. Ҳусайн Бойқаро туркий тилда давлат ишларини юритиш ҳақида фармон имзолаган, деган гаплар тўғри эмас. Алишер Навоий бу маърифатпарвар темурий шоҳ ва шоир миллий қалам аҳлини туркийда ижод қилишга даъват этганини ёзади.

Иккинчиси, тарихда ҳеч қачон ўзбек тили кейинги ўн беш йилдагидек, хусусан, Мустақилликдан кейинги даврдагидек кенг миқёсда ишлатилган эмас. Бир

(Давоми 2-бетда).



*Иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллик билан олиб борилаётгани хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Буни «Қўқон нефть маҳсулотлари» унитар корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Корхонада, айниқса, фермерларга кўрсатилаётган хизмат таҳсинга сазовор.Яқин-яқингача атроф туманлардаги фермерлар ёнилғи учун 35-40 чақирим йўл босиб шаҳарга келишарди. Қишлоқларда очилган ёнилғи қуйиш шохобчалари эса фермерлар учун қулайлик яратди.*

*— Ҳозир 3 минг нафардан зиёд фермерга намунали хизмат кўрсатяпмиз, —дейди корхона директори ўринбосари Р. Дадажонов. — Айни пайтда чўл ҳудудларида яна 10 та ана шундай шохобча очиш ниятидамиз. Агар режамиз амалга ошса, хизмат кўрсатиш маданияти янада ошади.*

**СУРАТДА: корхонага қарашли “Сирдарё” шохобчаси оператори Аҳаджон Шоназаров.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

***Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қурилиш мажмуаси, қурилиш ва пудрат ишларини ташкил этиш соҳасида чуқур таркибий ўзгаришлар қилинмоқда. Иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ва мутаносиб ривожи учун қурилиш мажмуасини бозор талабларига мувофиқ ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.***

# Қурилиш — ислоҳот рамзи

Хусусан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғини кенг кўламда ривожлантириш, замонавий фан-техника ютуқлари талабларига жавоб берадиган қурилиш материалларини тайёрлашни йўлга қўйиш ҳамда қурилиш инфратузилмасини такомиллаштириш соҳа олдидаги стратегик вазифа қилиб белгиланди.

Бугунги кунда қурилиш соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 6,8-7,0 фоиз миқдорида бўлиб, капитал қурилиш ҳажми ва ўсиш суръатлари бўйича Ҳамдўстлик давлатлари ичида олдинги ўринларни эгаллаб келмоқда. Мустақиллик йиллари даврида «ЎзДЭУАвто», Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Зарафшон-Ньюмонт майнинг» ва шу каби кўплаб йирик иншоотлар барпо этилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кейинги йиллар мобайнида жалб қилинган инвестициялар ҳажмида молиялаштиришнинг марказлашган жабҳаси улуши 56,2 фоиздан 41,0 фоизга камайгани ҳолда, номарказлашган инвестициялар салмоғи 43,8 фоиздан 59,0 фоизга ортган.

Айниқса, ушбу давр мобайнида корхона ва ташкилотлар маблағлари салмоғи 26,4 фоиздан 40,0 фоизга, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва кредитлари салмоғи 3,3 фоиздан 4,7 фоизга ортгани эътиборлидир.

Ўзлаштирилган капитал қўйилмаларининг ҳажми икки маротабадан кўпга ортди. Шу жумладан, марказлаштирилган инвестициялар 51,2 фоизга, номарказлаштирилган инвестицияларнинг ҳажми 179,0 фоизга кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони талабларини бажариш юзасидан ҳамда бозор муносабатларини ривожлантириш, қурилишда нархларни шакллантириш механизмини такомиллаштириш, инвестиция жараёнининг барча қатнашчиларида пировард натижалар, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлиги учун жавобгарликни ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги 261-сонли ҳамда 2003 йил 3 июлдаги 302-сонли қарорлари қабул қилинган.

## *Бозор сабоқлари*

Ушбу жараёнлар самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

— иншоотлар қурилиш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартибини йўлга қўйиш;

— капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Шу жумладан, ҳукумат қарорларини бажариш бўйича қуйидаги ишлар олиб борилмоқда:

— хусусий қурилиш фирмалари ташкил этилишини рағбатлантириш, қурилиш соҳасида кичик корхоналарни ва ташкилотларни тузиш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

— капитал қурилишда лойиҳа ва пудрат ишлари бозорини ташкил этиш, шартномавий муносабатлар ролини ошириш, қурилиш ва лойиҳа ишларини бажаришга буюртмаларни фақат тендер савдолари орқали жойлаштириш, қурилишни ташкил қилишнинг асосий шакли сифатида иншоотни тўлиқ қуриб битказишга ўтиш;

— инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш даражасини ошириш, уларни тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартибларини мукаммаллаштириш;

— қурилиш меъёрий-техник асосларини янгилаш;

— соҳанинг барча бошқарув бўғинларида институционал ўзгаришларни амалга ошириш, қурилиш мажмуасини бир-икки бўғинли бошқарув тизимига ўтказиш орқали мукаммаллаштириш;

— ишлаб чиқаришга самарали, тежамкор асбоб-ускуналар ва механизмларни кенг жалб қилиш;

— қурилиш, пудрат ташкилотларида ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш;

— қурилиш ишларини бажариш муддатини қисқартириш ва таннархини пасайтириш ҳамда бошқа бир қатор тадбирлар.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги вазифаларни бажариш, аввало, қурилиш соҳасида такомиллашган молиявий бошқарувни ташкил қилишни талаб этади.

Чунки молиявий маблағлар, айниқса, қурилиш корхоналари томонидан жалб этилган маблағлар самарадорлигини оширмай туриб, иш суръатини жадал ривожлантириб бўлмайди.

**М. АКРАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби тингловчиси.**

## *«Тўёна» гиламлари*

Фарғона тарафларда кичик ва ўрта ҳажмдаги гиламлар асосан хориждан келтириларди. Энди эса фарғоналиклар гиламни Марғилонда ишлаб чиқарилаётган "Тўёна" корхонасидан сотиб олишаяпти. Ўзбек-турк қўшма корхонаси маҳсулоти бўлган ушбу маҳсулот чиройли ва бежиримлиги билан кишининг эътиборини тортади. Яна бир диққатга сазовор томони иш жараёнлари деярли компьютерлаштирилган.

«Тўёна»чиларнинг мақсади ички бозорни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан бойитиш, шунингдек, хориж бозорларини эгаллашдир.

**Набижон СОБИР,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

# Қирғизистонда чечен жангариси ушланди

***Россиянинг «Новости» ахборот агентлиги хабарига кўра, Қирғизистон пойтахти — Бишкекда террорчилик ҳаракатини амалга оширишда гумон қилинган Чеченистон Ички ишлар вазирлигининг собиқ ходими, Шали туманидаги Курчалой қишлоғилик А. Ахтахонов деган кимса қўлга олинди.***

Бу ҳақда Қирғизистон ва Россия ИИВ раҳбарларининг тезкор йиғилишида Россия Федерацияси ички ишлар вазири Рашид Нургалиев маълум қилди.

Унинг айтишича, қўлга олинган кимса 2003 йилдан буён федерал қидирувда бўлган ва Қирғизистон ҳудудида турли фамилиядаги учта паспортга эга бўлиб, сохта ҳужжатлар остида истиқомат қилган. Р. Нургалиев ўз сўзида «Иккала мамлакат ИИВнинг биргаликда ўтказган текширишлари натижасида Ахтахонов 2001 йилда Чеченистон ИИВнинг ходими бўлганлиги, ноқонуний қуролли бўлинма сафига аъзо бўлганлиги»ни маълум қилди. «Ахтахонов хизмат ахборотидан фойдаланган ҳолда жангариларга республика ҳукумат органлари ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарларининг Чеченистон бўйлаб ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни етказиб турган», — деб қўшимча қилди у.

Унинг ахборотидан фойдаланган жангарилар Чеченистон ҳудудида бир қанча террорчилик хуружларини амалга оширишган. Р. Нургалиев жангарилар Курчалой — Гудермес автомобиль йўлларида Чеченистон ҳукумат идоралари ва ИИВ раҳбарларидан бир нечтасини отиб ташлашганлигини айтди. Унинг таъкидлашича, кейинги пайтларда Қирғизистонда республика ИИВ ходимлари Қирғизистон милиция ходимлари ҳаётига тажовуз қилганликда ва ноқонуний қурол сақлашда гумон қилинган тўрт нафар чеченистонликни ушлашган. «Ҳозирги пайтда қўлга олинганларнинг Россия ва Қирғизистон ҳудудларида содир этилган жиноятларга дахлдорлиги текширилмоқда. Уларни Россия Федерациясига экстрадиция қилиш масаласи ҳал этилмоқда», — деб уқтирди Р. Нургалиев.

## *Бугун — ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 15 йил тўлди*

# ТИЛ ВА ТАҚЛИД

(Давоми. Боши 1-бетда).

олим: «Тил ҳам қассобнинг пичоғига ўхшайди, ишлатилаверса чархланаверади, ишлатилмай қолса, занглайди», — деган эди. «Давлат тили ҳақида»ги Қонун тилимизни занглашдан асради. Буни баралла айтмасак, адолатдан бўлмайди.

Шундай улкан ютуқларимизга қарамай, ҳали-ҳануз рус тилининг салбий таъсиридан қутулолмаганимиз — ёмон. Тилдаги бундай ноўрин ҳодисаларни гуруҳлаштириш сабабларини аниқлаш мумкин. Ҳатто шу мавзуда махсус тадқиқотлар — диссертациялар ёзиш керак.

Келинг, даъво исботсиз қолмаслиги учун айрим мисолларга тўхтаб ўтайлик.

Рус тили қолипига шу қадар ёмон ўрганиб қолган эдикки, тилда қандай муаммо кўндаланг келса, аввал, қарайлик-чи, рус тилида қанақа экан, деб ўйлаганмиз ва аксарият ҳолларда кўр-кўрона тақлид қилиб кетаверганмиз. Бу касалдан ҳамон тўлиқ қутулганимизча йўқ.

Русларда сўзлар уюшиб келса-ю, сўзловчининг ҳаммасини санаб ўтиргиси келмаса, у охирида «так далее» деб қўя қолади. Ёзувда буни қисқартириб, «т. д.» деб кетавериш одат бўлган. Бизда «так далее»нинг ўрнига тап-тайёр «ҳоказо» деган сўз бор. Энди тақлидан биз буни ҳам қисқартиргимиз келади. Марҳамат, қисқартиринг, лекин рус тилида қисқартирганда сўзларнинг бош ҳарфлари қолдирилган. Демак, «ҳ.» деб ёзсак, етарли бўлур эди. Аммо нашрларда кўрамиз, негадир, «ҳ. к.» деб ёзамиз. Бу рус тилида икки ҳарфми — бизда ҳам икки ҳарф бўлсин, деган ёндашувдан бошқа нарса эмас.

Кирилл алифбосидаги «йо»лашган унлилар деб юритиладиган «е» («йе»), «ё» («йо»), «ю» («йу»), «я» («йа») ҳарфлари биз учун ноўрин қабул қилингани маълум. Шунинг учун лотин ёзуви асосидаги янги алифбомизда улардан воз кечдик. Масалан, энди «ё»ни икки ҳарф билан «уо» тарзида ёзамиз.

Рус тили таъсирига шунчалар тушиб қолган эканмизки, ҳали ҳам тасаввуримизда «ё» бир ҳарфдек турибди-да. Агар шундай бўлмаганда эди, «Автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаси» қўшма сўзини қисқартирганда, тўрт сўзнинг биринчи ҳарфларини олиб қолиш керак, вассалом. Яъни «AYQSH» бўлади. Аммо мамлакатимизнинг барча автомобиль ёнилғиси қуйиш шохобчаларида «AYOQSH» деб ёзилганига нима дейсиз?

Демак, бу ерда бошқа сўзларнинг биринчи ҳарфи, «yoqish» сўзининг эса дастлабки икки ҳарфи олинган, яъни қатъий бир қоидага амал қилинмаган. Сабаб эса — яна ўша рус тилида «ё» бир ҳарф-ку, деб ўйлаш.

Ўзбекистонимизда ўн тўрт субъект мавжуд — бир суверен республика (Қорақалпоғистон Республикаси), ўн икки вилоят, пойтахт шаҳар (Тошкент). Расмий рўйхатларда Қорақалпоғистон Республикасидан кейин вилоятлар алифбо тартибида саналади. Баъзан ўзбек тилида жўнатилган ўта расмий ҳужжатларда ҳам, негадир, Қашқадарё вилояти Андижон, Бухоро, Жиззах вилоятларидан кейин келади. Ҳайрон қоласан киши: ахир, жорий алифбомизда «қ» ҳарфи 33- ҳарфий белги, шунинг учун у қаторнинг энг охирида саналиши керак-ку? Йўқ-да, биз уни русчадагидек «Кашкадарья» деб ўйлаймиз ва уни «к» ҳарфи «мақом»ига кўтарамиз.

Рус тилида «рабочая группа» деган ёки шу шаклдаги сифатли бирикмалар мавжуд. Тилшуносликда бундай сўз бирикмалари б и т и ш у в дейилади. Бу хилдаги бирикмалар русчадан ўзбек тилига икки хил ўгирилади. Агар олдин турган сўзга сифат қўшимчасини қўшиш имкони бўлса, сифатли бирикма ҳосил қилинади. Масалан, «стенная газета»ни бемалол «деворий газета» деб таржима қиламиз. Лекин «школьная парта»ни бу қолипга сололмаймиз. Сабаб — «девор» форсий сўз бўлгани учун у «ий» қўшимчасини бемалол қабул қилаверади. Тилимизда «мактабий» деган сифат шакли йўқ. Шунинг учун «мактаб



партаси» деб ўгирамиз. Бундай пайтда рус тилидаги сифат ўзбекчага қаратқич-қаралмишли бирикмага айланади. Бундай бирикмалар тилшуносликда м о с л а ш у в дейилади.

Рус тилида «Рабочая группа» деган, маълум даражада, ижтимоий-сиёсий атамага ҳам айланиб улгурган бирикма мавжуд. «Иш» — туркий сўз. Унга «-ий» қўшимчасини боғлашнинг ҳеч иложи йўқ. Шунинг учун «иший гуруҳ» деб бўлмайди. Нима қилганмиз — «рабочая» сўзини алоҳида, «группа» сўзини алоҳида таржима қилиб, ясама ва ўзбек тили табиатига мутлақо ёт бўлган «ишчи гуруҳ» бирикмасини пайдо қилганмиз. ҳолбуки, бу — худди «мактаб партаси» дегандагидек, «иш гуруҳи» бўлади, вассалом.

Рус тилида ҳам Ватан онага қиёс қилинади. Лекин тил табиати шундайки, бу икки сўз ўртасига чизиқча қўйилади: «Родина-мать». Биз ҳам тақлид қиламиз: «она-Ватан». ҳолбуки, «она қизим» деганда чизиқча қўймаймиз-ку. Қани принцип? Демак, «она Ватан»да ҳам чизиқчага ҳожат йўқлигини тилимиз табиати шундоқ айтиб турибди.

Рус тилидаги творительний падежнинг «в» предлоги бизда ўрин-пайт келишигининг «-да» қўшимчасига кўп жиҳатдан мос келади. Лекин бу дегани — русча матнда қаердаки «в» келса, уни «да» қўшимчаси билан таржима қилиш шарт, дегани эмас-ку? Мен ҳали бирон-бир ўзбекнинг оғзаки нутқда «фалон йилда туғилганман» деганини эшитмадим — «фалон йили (!) туғилганман» дейди. Лекин ёзма нутқда «фалон йилда туғилганман» деб ёзаверамиз. Гап шундаки, бизда «-и» қўшимчаси кўп жойда айнан ўрин-пайт келишигининг «-да» қўшимчаси вазифасини ўтайди. Ҳамонки, тарихан тилимизда шундай эканми, келинг, шундайича, яъни туркий тилнинг табиатини бузмаган ҳолда ишлатаверайлик. Йўқ-да, ҳали-ҳануз русча ўйлашимиз бунга йўл қўймай келяпти.

Русча «зарубежный» сифати мавжуд. Лекин уни тилимизга икки хил таржима қиламиз. Қайси бирини қай ўринда ишлатиш энди лисоний фаросатингизга боғлиқ. Масалан, «зарубежная литература» бирикмасини, ҳеч иккиланмай, «чет эл адабиёти» дейиш мумкин. Чунки адабиёт халқники, яъни элники-да. Лекин «Вы были ли зарубежом?» жумласини «Сиз чет элда бўлганмисиз?» дейиш хато. Чунки сиз «элда» эмас, ўша элнинг мамлакатида, юртида бўласиз. Шунинг учун бу ерда «Сиз хорижда бўлганмисиз?» дейиш лозим.

Телевидениемизда «Бизнинг олимпиадачиларимиз» рукни остида спортчиларимиз ҳақида клиплар берилди. Лекин бу рукн «Наши олимпийцы»нинг сўзма-сўз кўчирилгани. Ахир, буни оддийгина, табиийгина қилиб «Олимпиадачиларимиз» десак бўлади, чунки ичида «биз» («-имиз») бор-ку? Рус тилида «наши»ни қўшмай илож йўқ. Чунки «олимпийцы» сўзи кимга тегишли эканини олдига «наши», «ваши» ёки «их» сўзларини қўшишга мажбурмиз.

Яна бир нарсани жиддий қилиб айтмаса, бўлмайди. Рус тили Ҳинд-Европа оиласига мансуб тиллардан, ўзбек тили Олтой оиласига киради. Гап қурилиши жиҳатидан орада кескин фарқлар бор. Масалан, бизда, кўчирма гап келганда, «Фалончи фалондай деди» тарзида жумла тузиш керак. Газетчиларни қўя турайлик, сўз усталари — ёзувчилар битган асарларда ҳам аввал «деди» келади-ю, кейин деган гапи.

«Ҳ» ва «х» товушлари учун кирилл ёзуви асосидаги алифбомизда бир-бирига ўхшаш шакл қабул қилинган, «ҳ»нинг «х»дан фарқи фақат «думча»сида. Олимлар бу икки ҳарфда адашишишларга сабаб худди шу шакл ўхшашлиги, деб ҳисоблади. Лотин ёзуви асосидаги алифбомизда «ҳ» ўрнига «h»ни олдик, «х» ўрнига «х»ни қолдирдик. Лекин... Тошкентдаги жанубий вокзалдан кейин Сергелига қараб юраверишингиздаги поезд йўли ўтган кўприкда «Sergeli tumaniga hush kelibsiz» тарзида катта-катта ҳарфлар билан яна ўша хато такрорланган ҳолда битилган. Қизиқки, худди шу кўприкнинг Сергелидан шаҳарга кириб келиш тарафида «Yakkasaroy tumaniga xush kelibsiz» тарзида бу сўз бехато ёзиб қўйилибди. Лоақал шундай илм-маърифат маркази бўлган пойтахтимиздаги ёзувларни бир мутахассисга кўрсатиб олишни ташкил эта олмасак?!

Хуллас, халқимизнинг энг асосий бойлиги бўлмиш тил борасида тақлид бизга шунча таҳдид солса, ҳаёт ва тараққиётнинг бошқа масалаларида аҳвол нима кечар экан, деб ўйлаб қоласан экан...

**Султонмурод ОЛИМ,**
**таржимашунос.**

# Илмий-амалий анжуман

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида “Тил ва жамият” мавзуида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Унда университет ўқитувчилари ва талабалари билан бирга илмий-тадқиқот муассасаларининг олимлари ҳам иштирок этди.**

**Анжуманда ҳозирги тилшунослигимизнинг грамматика, фонетика, лексикология каби соҳаларига оид долзарб муаммолар, жумладан, ўзбек тилининг ҳозирги босқичдаги ривожланиш жараёнлари хусусида сўз юритилди.**

**Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, халқаро ташкилотлар ҳамда чет давлатлар билан дипломатик, иқтисодий, маданий алоқалар кенг йўлга қўйилаётгани ўзбек ва хорижий тиллар муносабатида янги босқични бошлаб бергани таъкидланди. Натижада инглиз, француз, немис, корейс ва бошқа тиллардан фаол сўз ва атамаларни ўзлаштириш ҳодисаси кўзга ташланмоқда. Бу эса мутахассислардан мазкур жараённи теран таҳлил этиш ва уни она тилимиз учун мақбул ўзанга йўналтиришни талаб этаётир.**

**“Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган мазкур анжуманда ўзбек ёзувининг лотин алифбосига асосланган графикаси хусусида, ҳозирги ўзбек тилининг товуш тизимини мукаммаллаштириш юзасидан ҳам қизиқарли фикр-мулоҳазалар билдирилди.**

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## *Яхши дам — меҳнатга ҳамдам*

***Пахта йиғим-терими ҳал қилувчи паллага кирган, кўпчилик ўз ўрнини пахтазорда, ризқ-рўзимиз бўлган «оқ олтин»нинг сўнгги мисқолларигача нест-нобуд қилмай териб олиш учун курашнинг олдинги сафларида деб билаётган айни дамларда Наманган вилояти Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилоят бўлими ўз тадбирларини ҳашарчилар энг гавжум жойларга кўчириб, ибратга молик ишлар қилмоқда.***



# Чекка бир қишлоқнинг чекка жойида...

Улар томонидан Поп, Мингбулоқ, Учқўрғон, Косонсой туманларида ўтказилган ўнлаб адабий-мусиқий тадбирлар бунга ёрқин мисол бўлади.

Яқинда Мингбулоқ туманидаги «Гулбоғ» ширкат хўжалигининг 2-бўлимидаги чекка қишлоқлардан бири Янги Гулбоғда ўтказилган ана шундай маънавий-маърифий тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиев, истеъдодли эстрада хонандаси Шавкат Турғунов ижросидаги мумтоз ва замонавий қўшиқлар, шоирлар Зиёвиддин Мансуров ҳамда Дилбар Бонулар томонидан ўқилган шеърлар талабалар кайфиятига ўзгача шукуҳ бахш этди.

Тадбир давомида таниқли сиёсатшунос, вилоят Маънавият ва маърифат Кенгаши фаол тарғиботчиси, тарих фанлари номзоди Бахтиёр Исоқовнинг икки палатали парламентнинг мазмун-моҳияти, НамМИИ биринчи проректори, сиёсий фанлар номзоди Аҳмаджон Луқмоновнинг Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Наманган ёшларига билдирган ишончи мавзуидаги маърузалари ҳам иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

— Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, деб бежиз айтмаганлар, — деди тадбир сўнггида талабалар терим пахта штаби бошлиғи Абдураҳим Ҳожиев, — бугунги дам олиш дастури бизнинг эртанги меҳнатимизнинг муваффақиятига омил бўлади, суръат янада кўтарилади.

**Манзура ЭРГАШЕВА,**
**Наманган вилояти Маънавият ва маърифат Кенгаши мутахассиси.**

# «ХАЛҚИНГИЗДАН ҒОЯТ МИННАТДОРМИЗ»

Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида Япониянинг “Фукусима-Ўзбекистон” маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда икки мамлакат ўртасида ҳар томонлама, жумладан, дўстлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани, яқинда юртимизда муваффақият билан ўтган Япония маданияти кунлари бунинг яна бир далили экани таъкидланди.

Кунчиқар юртнинг Фукусима шаҳрида ташкил этилган “Фукусима-Ўзбекистон” уюшмасининг асосий фаолияти икки мамлакат ўртасида дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган.

Меҳмонлар юртимизга сафари асносида Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Андижон каби шаҳарларни зиёрат қилдилар.

— Дунёнинг кўпгина давлатларида бўлганман, — деди уюшма ижрочи директори Тосио Сисидо. — Лекин энг илиқ ва самимий таассуротларим Ўзбекистон ҳақидадир. Юртингизга илк бор чорак аср муқаддам келган эдим. Мустақиллик йилларида диёрингиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгаргани, ўзаро дўстлик алоқаларимиз эса янги босқичга кўтарилганининг гувоҳи бўлдим.

Тақдир тақозоси билан Ўзбекистонда мангу осойиш топган япон аскарлари — қариндош-уруғларимиз номлари аниқланиб, уларнинг хотирасига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилаётгани қалбларимизни, айниқса, тўлқинлантирди. Бунинг учун бағрикенг халқингиздан ғоят миннатдормиз.

Учрашувда санъат усталарининг мусиқий дастури намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**




## *Олтинсойликлар ғалабаси*

**Олтинсой туманида бултур йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини бажариш учун одамлар 75 кун меҳнат қилишганди. Жорий йилда бошқача бўлди. Олтинсойликлар қирқ кун деганда ўзлари мўлжаллаган 12500 тонналик хирмонни яратиб, маррани эгалладилар. Бобур номли, Абдихолиқ Қосимов номли, «Олтинсой», «Пахтакор» ширкат хўжаликлари, «Нуриддин», «Мустақиллик», «Тўлғаной» фермер хўжаликлари пахтакорлари мавсум пешқадами бўлдилар.**

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

# МЕҲР ВА МУРУВВАТ МАНЗИЛЛАРИ БЎЙЛАБ



***Деновда яхши хабар қанот қоқади. Одамларнинг кўнгилга тугиб қўйган эзгу ниятлари тилга тушади. «Биродаримиз фалончи хайрли иш бошлаб қўювди. Тўхтатиб қўймадимикин?» деб сўраб-суриштириб юришади.***

***Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонидан сўнг ўзи раислик қилиб келаётган Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигида қишлоқ болакайлари учун қулинг ўргилсин спорт мажмуи қуришни иш режасига киритувди. Мана, бугун яшил майдонли, текис йўлакли, антиқа спорт анжомашёлари билан таъминланган мажмуа қуриб битказилди ва эгаларига — ёш спортчилар ихтиёрига топширилди.***

## Саховат тасвирлари



— «Болалар — келажагимиз» деган бир оғиз калимани айтиш қийин иш эмас, — дейди Денов тумани ҳокимлигининг масъул ходими Тоштемир Турдиев. — Лекин шу калимага мувофиқ иш қилмоқ, меҳр кўргазмоқ муҳим. Ана энди қишлоқ болалари Қаҳрамон бобаларининг ҳиммати — саховатидан миннатдор бўлаяптилар. Шу зайлда авлодлар ўртасида катта бир меҳр туғиляпти. Бу меҳр энди юрт қадри, Ватан меҳри деган тушунчаларнинг улкан чинорлар бўлиб улғайишига манба бўлар.

Деновда юрт шаънини улуғлаётганлар кўп. Ва, муҳими, шундай яловбардорлар ичра ёшлар кўп. Баҳром Диловнинг ёши энди ўттиздан ошди. Бугун у — мамлакатимизда таниқли тадбиркор. Хорижлик сармоядорлар билан кунора қўнғироқлашиб, фикр алмашиб турадиган фермер. Меҳр ва мурувват йилида ҳам у катта иш қилди. Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, мева-сабзавотни қуритадиган цех қуриб ишга туширди. Пировардида бир эмас, ўн эмас, эллик нафар киши ишли бўлди.

Баҳром бошқараётган «Баҳриддин» фермер хўжалигининг қўралари тўла чорва. Далалари тўла барака. Хаёли тўла эзгу режа: яна янгидан иш ўринлари очиш керак. Хорижликлар билан ҳамкорликни кучайтириш керак. Хомашёмизни тайёр маҳсулотга айлантириб, экспортга чиқаришимиз керак. Хуллас, қойилмақом қилиб ишлаш керак. Ахир, меҳр деган, фахр ва қадр, ифтихор деган нозик туйғулар меҳнат — иш яхши бўлган заминда қарор топади.

Қовун қовундан ранг олади, деймиз. МТП ҳиссадорлик жамоаси Юрчи қўрғонида бокс зали қурган бўлса, чамбилликлар («Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги «Чамбил» маҳалла фуқаролар йиғини) қишлоқ кўчаларини ёритадиган чироқлар қўйиб чиқдилар. «Ҳазорбоғ» ширкат хўжалигининг Жаматак қишлоғида ҚВП қуриб битказилган бўлса, шу йилнинг ўзида туманда янгидан 4 та мактаб учун замонавий иморатлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Айтдик-ку бошда, яхши ниятлар Деновда тилга тушиб кетади, деб. Бироқ улар нуқул бировнинг ишидан, ғайратидан ҳайратланиб ўтирмайдилар. Қараб турмайдилар. Меҳру мурувватни одамларга, юртига меҳнати билан кўргазмоқ тараддудига тушадилар. Ва бу ишни эплайдилар ҳам.

## Хайруллаевнинг эркатойлари

***Тоштемир Хайруллаев Жарқўрғон тумани ижтимоий таъминот бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлайди. «Бўлим ҳисобида турган 14628 нафар пенсионерни у бизнинг эркатой қарияларимиз» деб таърифлайди.***

Ўша қарияларнинг ҳар қайсиси бир дунё. Хайруллаевга уларнинг ҳар бири ўзича эркалик қилади. Масалан, Ишмўминов Шойдилла бобо дегани бор. Етмиш тўрт ёшга кирган. Нафақаси сал кечикса, тамом, ўша куни уни Хайруллаевнинг идорасида кўрасиз. Хонасига бир куни у навбатсиз кириб келди. Желагига тўлдириб орден, медаль тақиб олган. Ҳассага икки қўллаб суянган.

— Ҳа, ўртоқ Хайруллаев, кўриб қўйинг бизди нишонларимизди, — дейди у ўзига таклиф қилинган ўриндиққа ўтиришгаям хуши бўлмай. — Ана энди бизди пенсиямизди оширасиз.

— Пенсиянгиз шусиз ҳам бугундан бошлаб ўттиз фоизга ошди. Фалон сўм бўлди...

— И, ростданми? — дейди Шойдилла бобо қўлида ҳасса борлигини унутганча қўлларини дуога чоғлаб. — Шу юрт илоё омон бўлсин-да. Хайруллаев, сиз ҳам соғомон бўлинг-да...

Шойдилла бобонинг одати шунақа: биров билан гап тортишса — куни бўйи тортишади. Дуои фотиҳа бошласа, ҳадеганда калимаси тугамайди.

Бобо дуосини тугатмасдан телефон жиринглади.

— Ҳа, Хадича момо, нега хафадайсиз? Йиғлаяпсизми? — дейди бошлиқ телефонга жавоб бериб. — Невараларингиз ранжитдими ё? Шундай. Қарияларнинг эркалигини, ҳатто инжиқликларини ҳаммаям кўтаролмайди. Лекин биз... Нима гапингиз бор эди?

— Мени «Меҳрибонлик уйи»га олиб бориб қўйинглар...

Хайруллаев бу гапдан кулиб юборди.

— Биздай меҳрибонларингиз бор-у, у ёқда нима қиласиз? — деди. — Ҳозир одам юбораман. Кир-чирингизни ювиб, уйингизни супуриб-сидириб келади. Ўзимми? Ўзим ҳам хабарлашаман. Албатта, бораман уйингизга.

Телефон орқали бўлган шу гурунгдан сўнг биз Тоштемир акадан ўзгалар кўмагига муҳтож 53 ёлғиз қарияга 7 нафар одам қарашишини билиб оламиз. Улар — Рўзихол Насриддинова, Ойлар Абдираҳмонова, Беккам Қудратова ва бошқалар. Хайруллаев яна бир нарсани айтиб қолди.

— Айримлар бор, отасининг ё кекса онасининг нафақасига шерик бўлади. Ҳатто болаларини ота-онасининг нафақаси билан боқади. Бироқ, лозим бўлганда, ота-оналарининг кунига ярамайди. Ота-онанинг ҳожатманд юмушлари уларга инжиқлик, ортиқча ташвиш бўлиб кўринади.

— Бизга лекин бу ташвишлар мутлақо малол келмайди, — дейди кулиб Тоштемир ака. — Қарияларимизни эркалаймиз. Эъзозлаймиз. Кифтимизга кўтарамиз. Улар биздан рози. Элимиздан, юртимиздан, замонимиздан рози. Қариялари рози бўлдими, юртнинг бири икки бўлади. Ўзидан унади. Бизга шуниси муҳим.

## Қалб қўрғони

*Бойсундаги «12-Меҳрибонлик уйи» авваллари «детдом» деб аталарди. Совиган ош, қотган нон ҳам бўлаверади ўша «детдомский»ларга деб, уларга нописандлик билан қаралarди. Балоғат ёшидан ўтдими, тўрт томонинг қибла, энди боравер, деб ҳаётнинг паст-баландини билмаган ва энг ёмони, борадиган жойию қариндош уруғи бўлмаган йигит-қизни даргоҳ дарвозасидан чиқариб қўярдилар.*

*Фақат мустақиллик йилларига келиб, бу даргоҳ чинакамига «Меҳрибонлик уйи»га ўхшади.*

Ўзингиз ўйланг: ҳозир бу ерда 150 нафар бола тарбияланаётган бўлса, шулардан 8 нафарининг отаси ҳам, онаси ҳам йўқ. Хешлари ўзларининг бунақа етим қариндошлари борлигини, эҳтимол, эслашмас ҳам. Яна қанча боланинг ота-онаси жазони ўташ жойларида, баъзилари гиёҳванд ёки руҳий касал.

Энди ёши ўн саккизга етган йигит ё қизга «Биз сени тарбиялаб бўлдик. Бундан буёғига ўз кунингни ўзинг кўр», деб айтиб қолишса...

— Биз меҳрибонлик кўрсатамиз. Тарбиялаймиз. Ва энг муҳими, ёш болани, ўсмирни ҳаётга тайёрлаймиз, — дейди «Меҳрибонлик уйи» директорининг ўринбосари Сурайё Ғозиева. — Мана, Муҳаммадали, Шерзод, Лайло — бир оиланинг фарзандлари. Бири 9-синфда, қолганлари 7-, 4-синфларда ўқишади. Ҳозир уларни оқ ювиб, оқ тараб ўтиришимиз — ўз йўлига. Иқтидорига, қобилиятига қараб, касб-ҳунар коллежларига тайёрлашимиз эса болалар тақдирига бефарқ бўлмаганимиздан. Тикувчилик, телевизор, радио устачилиги, компьютер саводхонлиги тўгаракларини очиб, бевосита тарбияланувчиларга бу касблардан сабоқ бера бошладик. Дурадгорлик, зардўзлик цехларини очяпмиз. Меҳрибонлик дегани — ахир, бир ночорнинг қорнини тўйғизиш, уст-бошини вақтинча бут қилишдан иборат эмас. Меҳрибонлик, мурувват кенг маънодаги тушунчалар. Инсонни, айниқса, ёш болани шакллантириш, уни оёққа турғазиш керак. Шундай оёққа турсинки, у яна бировга суяниб қолмасин. Аксинча, теварак-атрофдагиларга, юртга суянч бўлиб яшасин. Бахтини топсин. деган ният билан нафас олсин.

> ***«Юртнинг, одамларнинг меҳри туфайли мен вояга етдим. Уларнинг яхшиликларини қайтарайин»,***

— Биз бу ерда шунчаки ўқитувчи ё тарбиячи эмасмиз, — дейди Шуҳрат Содиқов. — Қўлимизда энди «ота» деб, «она» деб тили чиққан болакайлар бор. Ота-оналар меҳрини қўмсаб, кўзлари жовдираганлар бор. Биз ўша нигоҳларга малҳам, қувват, таянч эканлигимизни улар ҳис этолсагина, ўшанда биз меҳр, мурувват кўрсата олаяпмиз, деймиз.

«Меҳрибонлик уйи» бу йил мукаммал таъмирдан чиқарилаяпти. Ишлар бисёр. Мураббий Шуҳрат Содиқов бўлса шуни ҳисобга олиб, таътилидан ҳам воз кечди. Таъмир ишлари билан банд Шавкат Ғаффоров, Илҳом Нажмиддинов ва яна кўплаб ўқитувчи-тарбиячилар фарзандлари сингари қадрдон бўлиб қолган болаларнинг яшаши, дам олиш жойлари янада шинам бўлишини ўйлаб, енг шимаришган.

Соғломлаштириш мажмуи яратилмоқда. Теннис майдончаси, тренажёр хонаси барпо қилинмоқда. Спорт тўгаракларини 10 тага етказиш мўлжалланмоқда. Мақсад битта: «Меҳрибонлик уйи»нинг эркатойлари зерикмасин. Ўзларини эркин ҳис қилишсин. Бир-бирлари билан ака-ука, опа-сингилдай бўлиб ўсишсин.

«Меҳрибонлик уйи»да менга Тўхта Жабборова деган аёл ҳақида гапириб беришди. Тўхта опа — 70 ёшда. Ёлғиз аёл. Ўзи ишлаган даргоҳга келса, тарбияланувчилар «Онажонимиз келдилар» деб онахон ҳузурига гул кўтариб чиқишади. Тўхта опа уларни бағрига олади. Бошларини силайди. Болаларнинг бошларига осмондан меҳр-муҳаббат ёғилгандай бўлади шу топда.

Садаф Акбарова рақс тўгарагини бошқаради. У шу ерда тарбияланди. «Бу уйдан мен ҳеч ёққа кетмайман», — деди. Ўзи билан тарбияланганлардан бирига турмушга чиқди. У ҳозир шу ерда ишлаяпти.

— Меҳрнинг мўъжизасини, қудратини билмоқчи, кўрмоқчи бўлганлар шу даргоҳга келсин. Оламнинг меҳвари, тирикликнинг маъно-мазмуни, яхшиликнинг пойдеворию устуни меҳр эканига, мурувват эканига ана шунда яна бир бор ишонишади, — дейди Садаф Акбарова.



Сирлашув
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

### Рақамлар сўзлаганда...

**** Вилоятдаги битта «Меҳрибонлик уйи» ва иккита махсус мактаб-интернат биноларини тўлиқ капитал таъмирлаш мақсадида жорий йилнинг саккиз ойи давомида бюджет ҳисобидан 40,7 млн. сўм маблағ ўзлаштирилди. Бугунги кунда ушбу таълим муассасаларида таъмирлаш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди.***

**** Мазкур «Меҳрибонлик уй»ига ва 68-, 122-махсус мактаб-интернатларига компьютер жамламалари ҳам олиб берилди.***

**** «Меҳр ва мурувват йили» дастури талабларидан келиб чиқиб, вилоятдаги "Фарҳод" мурувват уйини таъмирлаш ишларига жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида 11,0 млн.сўм бюджетдан, 10,5 млн. сўм иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси ҳисобидан, 5,0 млн. сўм ҳомийлар ҳисобидан ажратилди. Шунингдек, Денов мурувват уйини таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилди.***

## Қаҳрамоннинг ҳаёти китоб бўлди

Журналистлар Муҳаммади Азимов ва Исмоил Шокиров ўзларининг Ўзбекистон Қаҳрамони, Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги бошлиғи Аҳмад Нарзуллаев ҳақида ёзиб, нашр эттирган китобини «Эл ўғли» деб номлаганлар.

Ҳаёт йўли ҳақида Қаҳрамондан сўрасангиз, ўқидим, ишладим, изландим ва шу мартабага эришдим, деб жавобни қисқа қайтариб қўя қолади.

Муаллифлар ана шу мухтасар каломнинг мазмун-моҳиятини ечишга, янги замон одамининг қиёфасини тадқиқ этишга интилишган.

Тасаввур учун бир тафсилот: Аҳмад Нарзуллаев қишлоғи болаларига қуриб берган иморатлар жамланса, чоққина шаҳарча ҳосил бўлади: икки қаватли мактаб, спорт мажмуи, даволаш-соғломлаштириш мажмуи, гузарлар, йўллар, чорва маҳсулотини қайта ишлаш корхонаси... Бу ишларнинг ҳаммасини ҳам Нарзуллаев қисқа қилиб, булар ҳали хамир учидан патир, деб айтади.

Насиб этса, «Эл ўғли» ҳам у ҳақда ёзиладиган китобларнинг дебочаси бўлар.

***Сурхондарёда етиштирилаётган ғалла ва пахтанинг учдан бир фоизи бугун фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Фермерлар яхши ишлашдан мақсад одамларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашдан иборат эканлигини тушуна бошладилар.***

## Фермердан — ҳиммат, одамлардан — меҳнат

Одам яхши ишламоғи учун ўзининг меҳнатидан муносиб манфаат кўришига ишонмоғи керак — бу Қумқўрғон туманидаги «Эшон ариқ» фермер хўжалигининг саркори Эргаш Жумаевнинг гапи.

Фермер хўжалигининг ер майдони — 80 гектар. Ишлайдиган одамлари — 22 нафар. Бу йил ҳар ишловчи бошига хўжалик бир ярим тоннадан буғдой улашиб берганидан билингки, ғалланинг ҳосили бу ерда чакки бўлмаган.

Фермерлар бор, аъзоларига фалонча ғалла бердимми, бас, шу меҳнат ҳақинг, деб туравереради. «Эшон ариқ»да тартиб бошқача. «Эшон ариқ»да борини ўртага солиб баҳам кўришади. Мана, шу йил бошидан ишчи бошига 150 килограммдан пахта мойи, эллик минг сўмдан нақд пул, 21 килограммдан гўшт улашилди.

— Биз далага келганда томорқамизнинг, рўзғоримизнинг юмушларига алағда бўлмай ишлаймиз, — дейди хўжаликнинг сувчиси Тошбой Усанов. — Чунки томорқамизни фермернинг трактори ҳайдаб беради. Рўзғорнинг ҳам иссиқ-совуғидан фермер хабардор. Ишонч дарахтига болта урадиган нарса ёлғон гап, ёлғон иш. Бизда, аксинча, ўзаро ишонч, бир-биримизга меҳр бор. Тўғри гап бор.

Эргаш Жумаевни биз далада — пахтазорда учратамиз. Унга «Ишдан хабарлашгани келибсиз-да», деймиз. «Йўқ. Одамлардан хабарлашгани келдим. Меҳрлашгани келдим», — дейди Жумаев. — Зуғум, алдов ёки қуруқ чорлов билан ишлайман, деган адашади. Одамлар бир-бирларига меҳр кўргизиб ишласинлар, ишга, ҳаётларига бир барака инадики тоғдай бўлиб, дарёлардай бўлиб».

Биз Э. Жумаев билан рақамларни чўтга ташлаб, ҳар бир ишчи йил бошидан ўртача ярим миллион сўмдан даромад олганини билдик. Бу ҳали тўққиз ойдаги ҳисоб-китоблар эди, холос.

### Рақамлар сўзлаганда...

**** Вилоят аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг саккиз ойида маҳаллий бюджетдан жами 9 млрд. 807 млн. сўм ажратилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 1,2 баравар кўп маблағ, демакдир. Шундан икки ёшгача болалар парваришида бўлган оналарга 4 млрд. 538 млн. сўм, 18 ёшгача бўлган болаларга эса 4 млрд. 974 млн. сўм берилди.***

**** Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган умумтаълим мактаблари ўқувчиларини бюджет ҳисобидан бепул қишки кийим-бош билан таъминлаш мақсадида жорий йилнинг саккиз ойи давомида 733,4 млн. сўм маблағ ҳисобига қишки кийим-бошлар олиб келиниб, жойларга етказилди.***

**** Вилоятнинг тоғли қишлоқларида истиқомат қилувчи аҳолига тез тиббий ёрдам хизматини янада яхшилаш учун саккизта «Дамас» автотранспорти харид қилинди.***

## ИККИ маҳалла, манзара,

***— Мухбир бўлсангиз, айтинг-чи, биз томонларга қачон табиий газ келади? Ариқдан эмас, қачон қувурнинг сувидан ичамиз? — деб қолди Ангор туманининг «Таллимарон» ширкат хўжалиги ҳудудида яшайдиган пенсионер Жўра Авазов.***

— Биз... ҳеч нарса деёлмаймиз. Буни маҳалланинг раисидан сўрамоқ керакдир, — деган жавобимизга Жўра ака асабийлашганидан юзлари бужмайиб, қўл силтайди. — Мен яшайдиган «Таллимарон» маҳалласида ҳам, бизга қўшни «Тўлқин» маҳалласида ҳам янги раислар сайланганидан сўнг газ, сув қувурлари тугул озиқ-овқат дўконлариям ёпилиб қолди, — дейди.

— Ун сотиб оламиз десак, анови қирдан ошиб Жарқўрғон туманига борамиз. Унни, пахта мойини фалон пулга сотиб оласан. Яна таксига фалон кира пули тўлаб, уйга олиб келасан. Ҳолинг не кечаяпти, деган одам йўқ, — дейди Жўра аканинг гапларига қўшимча қилиб 78 ёшли отахон Хуррам Жовлиев.

Тўхтамиш Кўчкинов деб ўзини таништирган отахон бўлса бизни деворига «Таллимарон» фуқаролар йиғини» деган ёзув қистирилган ва теварагида бирон туп дарахт ё гул ўстирилмаган, эшигининг бўёғи ўнгиб кетган иморат ичкарисига бошлайди. Йиғин раиси Муҳиддин Хўжаёров йўқ. Туман ҳокимлигига мажлисга кетган экан. Йиғин котиби Тўра Эгамбердиевга чоллардан ҳозиргина ўзимиз эшитган гапларни такрорлаймиз.

— Айтилган эътирозлар ҳаммаси тўғри, — дейди Эгамбердиев. — Газ қувурлари бизга бундан 8 йил аввал тортилган. Қувур бор-у, газнинг ўзи йўқ. Хомкон томондан тортилган ичимлик сув қувурлари уриниб қолган. Мактабимизнинг йўлидан, қишда резина этик киййиб олмасангиз, ўтолмайсиз. Муаммоларимиз — қоп-қоп. Ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз ҳам. Мана...

Шундай деб котиб столга ўзларидаги алоқа хатлари рўйхати туширилган дафтарни қўйди. Рўйхатни ўқиймиз:

«2002 йил 2 май, Ангор туманидаги «Савдогар» фирмаси бошлиғига. Маҳалла ҳудудида дорихона очиб бериш сўралган».

«2002 йил 23 октябрь. Ангор туман газ таъминоти идораси бошлиғига. Газ таъминотини йўлга қўйиш сўралган».

«2002 йил 23 октябрь. Ичимлик суви таъминотини сўраб тегишли идорага хат йўлланган».

Шу тарзда битилган 10-15 та хатнинг ҳаммаси, жумладан, «Озиқ-овқат дўконимизни очиб беринг» деб «Таллимарон» савдо ташкилотига юборилган хат ҳам жавобсиз қолдирилган. Муаммолар бўлса турибди тахи бузилмасдан. Бундан ўн йилча аввал қишлоққа газ қувури тортиб келинганини, сув қувурлари таъмирланса, бу жумбоқ ҳам ечилишини, эшикларига урилган михлар суғуриб олинса ва деворларига сувоқ юритиб қўйилса озиқ-овқат дўконини ҳам ишга қўшиш мумкинлигини таъкидлаб ўтамиз. Фақат...

— У-бу ташкилотга алоқа хатларини йўллашдан бўлак яна нима иш қилдингизлар? — деб сўраймиз.

Жавоб мужмал: қараб ўтирганимиз йўқ. Ишлаяпмиз. Тўйларни ўтказяпмиз. Болаларга нафақаларни ҳужжатлаштиряпмиз. Мажлислар...

— Меҳр-мурувват кўрсатиш-чи?

— Э, — деб гапга қўшилади Тўхтамиш бобо, — фалончига тўртта парвардаю бир қадоқ мой бериш ўз йўлига. Меҳр дегани, мурувват дегани бу майда-чуйда халталарга сиғмайдиган нарса. Элимиз аҳил, одамларимиз мўмин-қобил бўлса, уларнинг бошини, қўлини қовуштириб, фалон-фалон яхши ишлар теварагига бирлаштирсалар, кўчадан гап қидирмай, катта-катта ишлардан баҳслашсак,

### Муаммоларимиз

бир-биримизга қувват бўлиб яшасак — ҳақиқий меҳр-мурувват шу эмасми?

Тўхтамиш аканинг шу гапларини мен Ангор қўрғонидаги «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тожибой Зиёқуловга айнан гапириб бердим. Тожибой ака «Таллимарон»ни қўйиб, ўзининг маҳалласи ҳақида гапирди.

— Зардўзлик, бичиш-тикиш цехимиз, электр асбобларини созлаш, вулканизация, темирчилик устахоналаримиз, суратхона, нонвойхона, сартарошхона ишлаб турибди. Ариғимизни ҳашар билан ўзимиз қазидик. Ака-ука Омонов деган йигитларни биримиз ота, биримиз она бўлиб уйлантириб қўйдик. Ўнтага яқин бошқалар ёрдамига муҳтож одамларнинг иссиқ-совуғидан хабарлашиб турамиз. Хуллас, етти мингтадан ошиқ маҳалламиз аҳил, обод хонадондай. Гап-сўзи ташқарига чиқмаган, бир-бирининг қувончию ташвишига шерик хонадон. Бунинг ҳаммаси — МЕҲРдан. Одамзод, аввало, ўзининг кийган кийимига, дастурхонидаги таомига, лафзига, луқмасига, ҳар бир қадамига меҳр билан қарасин. Теварак-атрофи кўзига ана шундан сўнг сеҳрли, қадрли бўлиб кўринади.

— «Таллимарон» маҳалласидагилар пулимиз йўқ, маблағимиз йўқ, дейишади. Сиз, ўнта кишининг ҳар қайсисига 5 минг сўмдан байрам хайрияси қилдик, деяпсиз. Идораларингиз муҳташам...

— Биз банкда ҳисоб рақами очдик, — деб гапини давом эттиради Тожибой ака. — Ҳудудимиздаги пулдор ташкилотлар ҳисобимизга пул туширса керак деб ҳам ўйлаганмиз-да. Ўйлаганимиздай бўлмади. Ана шундан сўнг ўзимиз пул қидирдик. Топдик ҳам. Сомсахонамиз, кўзойнак тузатиш устахонамиз, битта таксимиз бор. Шуларнинг даромадидан маълум қисми бизга тушади. Пуллик юридик маслаҳат хизматимизга бошқа туманлардан одамлар қатнашади. Ҳали бу оз. Қишлоқларда, ана, тегирмонлар, мойжувозлар, ғалла янчиш ускуналари қонуний — ғайриқонуний гувиллаб ишлаб турибди. Уларда тартиб ўрнатилса, масалан, савдо ташкилотининг дўкони ишламас экан, маҳалла ўзининг озиқ-овқат дўконини очиб қўйса — мана, сизга пул, маблағ, имконият. Биров бизга фойда бермаяпти, ёрдам қилмаяпти деб оёғига шапатилаб кун ўтказишдан нима наф, нима мазмун? Айтаман-ку, меҳр саёз бўлган жойда иш бўлмайди. Иш бўлмаган жойда ғадур-будур гаплар...

Ғадур-будур гаплар. Дарвоқе, «Тўлқин» маҳалла фуқаролар йиғини паспортининг «Нотинч оилалар» деб номланган варағидан ўқиганларимни эслатди бу гап. «Ака-укаларнинг томорқа жанжали. Қўшнилар ўртасида чўзилиб келаётган можаролар. Бунинг устига, «Таллимарон» ширкат хўжалиги одамларнинг ижтимоий муаммоларига қарамай қўйди, деган гурунглар...»

— Битта нохуш гапдан меҳр-оқибатга ботмон-ботмон зил етади, — дейди Тожибой Зиёқулов. — Аксинча, бир мисқол меҳру мурувватдан, яхши гапдан, яхши ишдан эзгулик дарахтлари шохлаб ўсади. Кўнгил чаманлари гуллайди. Кўнглимиз чаманлари яшнасин. Меҳр, мана, нима учун керак!

Қайтишда мен Тожибой аканинг айтганларини етказиб қўйиш учун яна «Таллимарон» маҳалласига тушдим. Эшиги катта йўлга терс қараган маҳалла идораси ёпиқ экан. Идоранинг ёнгинасидаги «10-дўкон» эканлигини деворда осиғлиқ лавҳадан ўқиса бўладиган магазиннинг йўлга қараган каттакон эшиги бўлса қулф. Теварагида янтоғу қамиш ўсган...

***Меҳр ва мурувват манзиллари бўйлаб «Халқ сўзи» мухбири Олимжон УСАНОВ сафар қилди.***

*Мутолаа*

# Меъёр

Халқимизда "Шакарнинг ози ширин" деган мақол бор. Ушбу мақол мазмунига биз ҳамма вақт ҳам у қадар жиддий эътибор бермаймиз. Аслида-чи?.. Аслида, ўша "ози" меъёрдир.

Меъёр табиат, жамият ва инсон тафаккурида истисносиз амал қилиб турувчи қонуниятли жараённинг бир қисмидир. Шу боис ҳаётда ҳамма буюм, ҳодисаларда меъёр мавжуд. Унга амал қилган инсон ўз ҳаёти давомида кўплаб муваффақиятларга эришади. Турмуш тарзимизнинг ажралмас қисми ҳисобланган меъёр ҳақида Пайғамбаримиз ўз Ҳадисларидан бирида "Ҳар бир ишда меъёр — ўртаҳоллик лозимдир" дея марҳамат қиладилар.

Меъёрга амал қилмаслик ёки унинг бузилиши ҳоллари кўпгина нохушликларни келтириб чиқариши мумкин.

Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Уйимизнинг яқинида мактаб бор. Зарурат бўлиб невараларим ўқийдиган ушбу мактабга чиқдим. Айрим ўқитувчиларнинг кийиниши, ўзларини тутишларини кўриб, очиғи, ҳайратландим. Айниқса, ёш ўқитувчилар тиззадан баланд калта юбка, ярим очиқ кофта кийган. Табиатда неча хил ранг бўлса, юзларига чапланган ва узунликда уккиникини ҳам доғда қолдирадиган, қорамтир рангга бўялган тирноқ...

— Бу қиз ким? — сўрадим неварамдан.

— Бизнинг чет тили ўқитувчимиз,— дея жавоб берди у.

— Анависи-чи?

Иккинчи аёл ҳам антиқаликда биринчисидан қолишмасди.

— У киши адабиёт ўқитувчимиз.

— Навоий, Бобур ва Нодиралар ҳақида сизларга шу аёл дарс ўтадими?

— Ҳа.

Кўнглимда нимадир "чирс" этиб узилгандай бўлди. Қизиқ, бу аёллар нимаси билан ўқувчиларга ўрнак бўлиши мумкин? Балки ўша кийимда кўчага чиқиш, меҳмонга бориш мумкиндир? Бироқ ўнлаб, юзлаб болалар истиқболига ярим яланғоч чиқиш ҳеч қайси одоб меъёрларига кирмайди. Тўғри, ўқитувчи ёш ва у ҳам барча тенгқурлари қатори замонавий кийинишни хоҳлар. Бироқ у биринчи галда муаллим, устоз. Назаримда, у кийинишда ҳам, юриш-туришда ҳам ана шу мезонни унутмаслиги керак.

Қадимги Римда 112 йил умр кўрган кишининг қабри ўрнатилган марказий кўчалардан бирида ги қабртошга "У меъёрида еди ва ичди" деб ёзиб қўйилган экан.

Суриялик машҳур олим Абул Фарож ўз асарларидан бирида: "Меъёр табиатнинг йўлдошидир. Шу важдан ичганингизда, еганингизда, кийинишда, ҳатто севишда ва орасталикда меъёр доирасидан чиқмангиз" дея огоҳлантирган эдилар.

Фарзанд тарбиясида ҳам меъёр катта ўрин эгаллайди. Ортиқча эркаланган бола тантиқ, фикрлашга, мулоҳаза юритишга лаёқатсиз, қайсар, ўзбилармон бўлиб камол топса, кўп танбеҳ эшитган, қаттиққўлликда улғайган бола журъатсиз, қўрқоқ, айни пайтда ўзига ишонмайдиган, иродасиз бўлиб қолиши мумкин. Демак, бола тарбиясида ҳам меъёр аъмоллари сақланмоғи шарт.

Биз сўнгги пайтларда тўй-тантаналар, турли маросимларнинг меъёридан зиёд дабдабали ўтаётганлигининг гувоҳи бўлаяпмиз. Тўй-ку майли-я, маъракаларда ҳам тўйдаги сингари ясатилган дастурхон, писта-бодомдан тортиб банану ананасларгача қўйилаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Балки Мирзо Бедил ҳазратлари ушбу байтларни битаётганларида ҳар соҳада сақланиши лозим бўлган меъёр қоидаларига амал қилиш лозимлиги ҳақида фикр қилгандирлар:

***Узлуксиз шодлик ҳам***
***келтиради ғам,***
***Ҳаддан ортиқ базм***
***мисоли мотам.***
***Ҳеч нарса меъёрдан***
***ошмаса яхши,***
***Бошдан ошса,***
***ўтдан баттарроқ сув ҳам.***

**Зайниддин ИСАМУҲАММАД,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, уруш ва меҳнат фахрийси.**

# «НУРЛИ ЗАМИНДА»



***Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида россиялик мусаввир Валентин Сидоров асарлари кўргазмаси очилди. "Нурли заминда" деб номланган ушбу кўргазма "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Кўргазманинг очилишида сўзга чиққанлар Ўзбекистон ва Россиянинг маданият ва санъат арбоблари ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилаётгани, бунда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг катта ҳиссаси борлигини таъкидладилар. Юзга яқин асар намойиш этилаётган мазкур кўргазма бунинг яна бир далилидир.

Россия рассомлар уюшмаси раиси, Россия Федерацияси халқ рассоми Валентин Сидоров ижодининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ранглар оҳанги ва пухта композицион ечим орқали асарга кенг кўламли фалсафий маъно юклайди. Уларда Россиянинг табиат манзаралари билан боғлиқ мавзуларга кенг ўрин берилган. "Кузги дамлар", "Эрта тонг", "Лоларанг уфқ" каби асарлари шулар жумласидандир.

Кўргазмадан мўйқалам соҳибининг Ўзбекистоннинг бетакрор ва мафтункор табиат манзараларига бағишланган "Мовий Помир" мавзуидаги туркум асарлари ҳам ўрин олган.

— Ўзбекистонга илк бор бундан ўттиз йил олдин келган эдим, — дейди В.Сидоров. — Унинг, айниқса, Фарғона, Шоҳимардоннинг таърифга сўз ожиз манзаралари мени буткул мафтун этди. Ушбу кўргазмадан ўрин олган кўплаб асарларим айнан шу беқиёс таассуротлар натижасидир.

Дарҳақиқат, мусаввирнинг "Водийлар ва тоғлар", "Тоғларда куз", "Помир" каби асарларида юртимизнинг бетакрор манзаралари рус рассоми нигоҳида ўзига хос тарзда ифодаланган.

Кўргазманинг очилишида Россиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Фарит Муҳаметшин иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ИИВ Матбуот маркази хабар қилади



## Иззатини билмаган меҳмон

Бадхулқ одам улғайганда ҳам қилиғини ташламас экан. Шундай бўлмаганида элликни қоралаган Хўжа С. боласи тенги ўсмир билан ёқалашармиди?

Акмал Икромов туманида яшовчи Хўжа С. Чирчиқ шаҳрига боради. Меҳмон дегани оғирроқ бўлиш ўрнига енгилтакликка изн беради. Оқибатда ўн олти ёшли Г.нинг елкасига пичоқ уриб, жароҳатлайди.

Ёш бола билан бўлган жанжал туфайли қилмиш содир этган Хўжа С. ўша заҳотиёқ ички ишлар ходимлари томонидан ушланади. Жабрдийда эса зудлик билан касалхонага ётқизилади.



## Излар йўқолмади

Кекса онахон — етмиш ёшни қоралаган кампирнинг фожиали ўлими кўпларни ҳайратга солди. Тили-жағи бировга тегмайдиган, беозор Рислиғ аяга нисбатан қотиллик қилиниши унча-мунча одамни ўйлантириши табиий эди. Боз устига, қотиллик қариянинг уйида содир этилиб, жасад кўрпага ўралган ҳолда, ҳовлидаги ариққа ташлаб кетилган эди.

Шум хабардан дарак топган ички ишлар ва прокуратура ходимларидан иборат тезкор гуруҳ тузилади. Аниқланишича, Наманган вилоятининг Учқўрғон туманидаги Ҳамза номли ширкат хўжалигида содир бўлган қотилликни аянинг турмуш ўртоғи ўзаро жанжал оқибатида содир этган экан...


O'zLotto — O'ZLOTTO KUNDALIK

| кетма-кет тўғри топилган сонлар миқдори | Ютуқ (сўм) | 11.10.04 | 12.10.04 | 13.10.04 | 14.10.04 | 15.10.04 | 16.10.04 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| тушган рақамлар | | 3 6 3 8 | 9 5 7 9 | 7 1 4 3 | 4 5 4 4 | 0 6 0 1 | 5 3 0 2 |
| | | Ютуқли ставкалар сони | | | | | |
| 4 | 200 000 | 0 | 0 | 2 | 0 | 0 | 0 |
| 3 | 2 000 | 27 | 36 | 19 | 21 | 17 | 20 |
| 2 | 200 | 425 | 334 | 281 | 268 | 256 | 288 |
| 1* | 100 | 1 193 | 825 | 720 | 977 | 820 | 874 |

* биринчи ёки тўртинчи устунлардаги тўғри топилган сонлар

**2-тиражининг** ҲИСОБОТИ — O'ZLOTTO 6/30

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 8, 27, 14, 19, 3, 24

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 13 октябрь

**Ўйналган ютуқлар:**

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди (сўм) | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи (сўм) |
|---|---|---|---|
| 6 та тўғри топилган сон учун | 5 000 000 | 0 | 0 |
| 5 та тўғри топилган сон учун | 73 420 | 4 | 18 355 |
| 4 та тўғри топилган сон учун | 110 131 | 98 | 1 123 |
| 3 та тўғри топилган сон учун | 183 552 | 811 | 226 |

Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 20 октябрь куни ўтказилади

**3-тиражининг** ҲИСОБОТИ — O'ZLOTTO 6/35

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 29, 15, 31, 8, 21, 33

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 16 октябрь

**Ўйналган ютуқлар:**

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди (сўм) | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи (сўм) |
|---|---|---|---|
| 6 та тўғри топилган сон учун | 74 083 462 | 0 | 0 |
| 5 та тўғри топилган сон учун | 264 869 | 3 | 88 289 |
| 4 та тўғри топилган сон учун | 182 402 | 51 | 3 576 |
| 3 та тўғри топилган сон учун | 182 402 | 585 | 311 |

Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 23 октябрь куни ўтказилади

Тўкин ҳаёт сари!

Лицензия №000001

Тошкент, Ниёзбек йўли 24 тел. 136-70-69



«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)

ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»

предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

| Диаметры труб (мм) | Цена за 1 тонну сўм. Цены действительны по 25.10.2004 г. |
|---|---|
| **ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ** ГОСТ 3262-75: | |
| ДУ 15х2,8 мм | 939000 |
| ДУ 20х2,8 мм | 939000 |
| ДУ 25х3,2 мм | 929000 |
| ДУ 32х3,2 мм | 919000 |
| ДУ 40х3,0 мм | 919000 |
| ДУ 50х3,0 мм | 919000 |
| ДУ 65х4,0 мм | 899000 |
| ДУ 80х3,5 мм | 899000 |
| ДУ 100х5,0 мм | 899000 |
| **ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ** ГОСТ 10704-91; 10705-80: | |
| 76х3,5 мм | 899000 |
| 89х5,0 мм | 899000 |

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):
- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommashta@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммуналлойиҳа».

Товар сертифицирован, услуги лицензированы.



*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар !*

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

Жамиятимиз иқтисодий ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ўз билим ва қобилиятингизни кўчмас мулк бозорига йўналтириб, даромад олишни хоҳлайсизми ?!

**Унда кўчмас мулк бозорида 10 йиллик тажрибага эга бўлган «РКМБ Тошкент шаҳар бўлими» МЧЖга мурожаат этиб, биржада кўчмас мулк товарлари билан олди-сотди битимларини тузиш ҳамда биржа савдоларида иштирок этиш имконияти бор.**

*Бунинг учун сиз биржамизда брокерлик жойига эга бўлишингиз кифоя.*

Бизнинг манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй.
Алоқа учун телефон: 144-44-73, факс: 144-92-30.

УШБУ ҲАМКОРЛИК АЛБАТТА СИЗ УЧУН ОМАД КЕЛТИРИШИГА ИШОНАМИЗ.



*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар ҳамда чет эллик сармоядорлар!*

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI

марказлаштирилган электрон биржа савдоларига Тошкент шаҳрида жойлашган қуйидаги корхона ва уларга тегишли бўлган мулклари қўйилганлигини маълум қилади:

«Азимут-Румб» давлат кичик корхонаси (биносиз), «Капитал қурилиш бўлими» (биносиз), «Мархур» халқаро ишлаб чиқариш маркази (биносиз), «KOMMUNAL QURILISH» давлат унитар корхонаси (биносиз), қурилиш-таъмирлаш корхонаси (биносиз), хўжалик ҳисобидаги «Ўқув методик маркази» (биносиз), «NITEX» шўъба корхонаси (биносиз), «Авиаль» кичик корхонаси (биносиз), «MADANIY QURILISH» шўъба корхонаси (биносиз), «Ўзбектрансқурилиш» ишчи таъминоти бўлими корхонаси (биносиз) ҳамда шу корхоналарга тегишли бўлган ишлаб чиқариш ва қурилишда фойдаланиладиган турли хил русумдаги дастгоҳ ва асбоблар, офисда қўлланиладиган яқин ва узоқ хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган идора жиҳозлари, мебеллар тўплами, мини АТС, «Икарус» русумли автобус, «УАЗ», «Москвич-412» енгил автоуловлари, юк ташувчи автоулов ва бошқалар.

Ушбу корхоналар ва уларнинг мулклари эгаси бўлишни истасангиз, биржа савдоларида рўйхатдан ўтган юқори малакали брокерлар сизнинг хизматингизда бўладилар.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий к., 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78. Факс: 144-92-30.



O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН



Katris ФИРМАСИ
МАКТАБ, КОЛЛЕЖ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАР УЧУН
МЕБЕЛЬ
ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН
Тел.: 90-07-87, 92-03-95, 158-15-73.



Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига ! Товар сертификатланган

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

«ГАЗ-31105» «ГАЗ-3102» «ВАЗ-2106» «ГАЗЕЛЬ»

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.


Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси Ўзбекистон халқ рассоми **Фазилат Шариповна САЙДАЛИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзтелерадиокомпания» жамоаси Ўзбекистон телевидениеси «Ахборот» дирекциясининг Қашқадарё вилояти бўйича ўз мухбири Чоршанби Рўзибоевга укаси **Шавкат РЎЗИБОЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 131-мактаб жамоаси ҳамда «Катта Дўмбиробод» маҳалласи фуқаролар кенгаши устоз педагог **Абдували ТОШМУҲАММЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, ёр-дўстларига чуқур таъзия изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —1167. 21502 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — И. Турсунова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.00 23456